

## БАЛЛИ, РИШОД!



Дзюдо бўйича 60 килограмм вази тоифасида дунёнинг энг кучли спортчиси сифатида тан олинган ҳамюртимиз Ришод Собиров кечагина яна Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. У Бакуда яқунланган «Мастерс» туркумига (Олимпиада ўйинлари ва жаҳон чемпионатидан кейин учинчи ўринда туради) кирувчи турнирда олтин медалга сазовор бўлди.



## Довруғи баланд «Дамбоғ»



«Истеъдод ҳеч қаерда сотилмайди»



Мамонтларни тирилтирмоқчи



Пенсия ёши ўзгардимми?

## БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН



Шавкат СУЛТОНОВ сурат-лавҳаси.

«Жасорат» медали соҳиби Дилрабо Номозова Бухоро вилояти Шофиркон туманида хунарманд оилада туғлиб, вояга етган. У 2000 йили одамларга кўпроқ нафи тегишини истаб, яхши ният билан ўқув маркази очишга бел боғлаганди. Бу борада туман ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитасининг қўллаб-қувватлови унга катта далда бўлди. Айни пайтда «Дилрабо чеварлари» ўқув марказида 25 киши доимий иш билан банд, 60 нафар аёл эса касаначилик асосида ҳамкорлик қилмоқда. Ромитан, Пешку туманларида ҳам марказ филиаллари фаолият юритаяпти. Ҳа, машойишлар айтганидек, ёшлик бой берилмаган имкониятдир. Дилрабо ўзининг хайрли амаллари билан элдошлари дуосини олаётир.

## Ушбу сонда:

Виждони уйғоқ одамлар -----	3
ДНК текшируви қандай амалга оширилади? -----	3
Психиатрия: ноумидлик — энг катта зарар -----	6
«Алпомиш»ни ўқимаган «аллома» -----	6
Болам бой бўлсин, десангиз... -----	7
Ёшлар — асов дарё, аммо... -----	8

## 2011 — КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

Фарзанда ёшлигиданоқ бирор касб-хунар сирларини ўргатиш халқимизга хос одат. Хусусан, наманганликлар ўғил болаларнинг хунарсиз улғайишларини тасаввурига ҳам сизгидира олишмайди. Лавхамиз қахрамони Абдуносир ҳам акиси каби касибчиликни ўрганди. Бу ишга анча кўли келиб қолганидан сўнг акиси Ҳакимжоннинг таклифига биноан Наманган туманидаги Галча кишлоғида жойлашган машиини хизмат уйда касибчилик қила бошлади. У ўз ишини сидқидилдан бажарар, аммо дилида тадбиркорлик қилиш, бу соҳада қандайдир янгилик-ўзгаришлар ясаб орзуси кун сайин кучайиб борарди.

Бир қарорга келгач, ёнига тўрт нафар хунармандни олди. Икки йил давомида пойабзалларнинг уст-кисмларини тиқишти. 2008 йилдан бошлаб оёқ кийимларини харидорга тайёр ҳолда тақдим этиш йўлга қўйилди. Албатта, бу осон кечгани йўқ. Абдуносир ака изланди, янгиликларни ўрганди, уларни амалга татиқ этишдан чўчилади. Тадбиркорликда етти

ўлчаб бир кесиб, узокни кўриш ва ишининг кўзини билиш зарурлигини унутмади. Балки шунинг учун ҳам бугун «Дамбоғ пойабзал савдо» кичик корхонаси ва унинг маҳсулотлари довруғ қозона олгандир. Шубҳасиз, бунинг замирида меҳнат, касбага садоқат туйғулари ҳам ётади.

— Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркор ва хунармандларга яратиб берилётган шароит ва имкониятлар фаолиятимизни ривожлантиришда катта таянч бўлмоқда, — дейди Абдуносир Ҳокимирзаев. — 2008 йилнинг ўзида 300 миллион сўмликдан зиёд сифати ва дизайни хорижийдан қилинмайдиган, бироқ уларга нисбатан

анча арзон эркалар пойабзали бозорга чиқарилди. Маҳсулотларимизга нафақат вилоятимиз ва Фарғона водийсида, балки Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳам талаб катта.

Корхона раҳбарининг гапларида жон бор. Айни пайтда ўттиз нафар уста-касиб меҳнат қилаётган кичик корхонада ойига 3,5-4 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқарилмоқдаки, уларнинг тури 30-40 тадан ортиқроқдир. Хитой ва Япониядан келтирилган прессловчи ва чармга гул бо-

— 2011 йилнинг Юртбошимиз ташаббуси билан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» дея номлангани мени ниҳоятда қувонтирди, — дейди Абдуносир ака. — Албатта, шундоғам бизларга бу борада кенг имкониятлар яратилган. Масалан, 2010 йилда ишчиларимиз сони 42, касаначиларимиз эса 8 нафар бўлди. Даромадимиз икки баробарга ошди. Янги йилда бундай саъй-ҳаракатлар кўлами янада кенгайди. Корхона учун янги цех қуриш, замонавий технологик линиялар

## Довруғи баланд «Дамбоғ»



олиб келиш, бунинг натижасида ишлаб чиқариш қувватини оширишни режалаштирганми э. Ҳокимлик томонидан ажратилган 20 сотих майдонга банкдан кредит олиб, «Дамбоғ» пойабзал фабрикасини очиб ниятдаман.

Ибратга лойик кичик корхона жамоаси эзгу ишларини ҳам ёддан чиқармайди. Ўтган йиллари касибла-

римиз Наманган шаҳридаги 26-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун саховат ёрдами сифатида пойабзаллар тикиб беришди. Битта кўп қаватли тураржой, «Дамбоғ» маҳалла фуқаролар йиғини биноси фасадини эса таъмирдан чиқариб бердик.

Этибор, рағбат, ҳалоллик бор жойда эзгу ниятлар ҳаммиса ижобат бўлаверади. Ўз ҳаётини тасдиғини неча бор тоған бу доно ҳикматининг исботини «Дамбоғ пойабзал савдо» кичик корхонаси мисолида яна бир бора кўриш мумкин.

Шайх ТОШБЕКОВА, «Оила ва жамият» муҳбири, Наманган вилояти.

## Ҳаётга кулиб қараган одам

Йиллар ўтгани сайин ўқитувчиларинг кўзингга ўтдай кўриниб борар экан. Эҳтимол, уларнинг тирсоли болалик ва ўсмирлик йилларингдаги хотирларинг билан боғлиқ бўлгани учун шундай-дир. Ҳар гал кишлоққа борганимда, муаллимларимни учратиб қолсам, юрагим жиз этади, кўнглимдан ажиб кечинмалар кечади. Раҳматли Тожи ака Ойназаров, Янгибой Шоймардонов, Файзулла Даванов, Азиз Шоймардоновлар... Уларнинг исми-шарифларини ёзаётган айни сонияларда ҳам бу инсонларнинг менга қанчалар яқин ва қадрдонлигини хис этаман.

Улуг муаллимлар кўрдим ҳаётда... Ҳар байрамларда сизни билмадим, лекин мен телефон орқали узоклардан қадрдон бир овозни эшитаман. Бу киши муҳтарам ўқитувчиларимдан бири Тўра ака Раззоқов бўлади. Кишлоқнинг ҳақиқий маънода фидойи одамларидан бири десам, муболага қилмайман. Умрининг қирқ йилга яқин даврини мактабда ўтказган. Ҳеч нарсага бифарқ қарай олмайдиган, «менга нима» деган тушунчининг кўчасидан ўтмаган, ниҳоятда самимий одам...

Бизнинг бахтимиз шунда бўлганки, кишлоғимизда фидойи ўқитувчилар кўп эди ўша маҳалларда. Жўра Мустафоқулов, Хушвақт Ҳакимов, Муҳаммади Каримовлар... Ҳар бири тоғдай одамлар... Тўра ака Раззоқов кўшни кишлоқ — Ачамойлида яшайди. Маънавий гурунглари шайдоси.

Шогирдлари билан фахрлинишни яхши кўради. Битта ўқувчисининг кичик бир муваффақиятидан ҳам еру қўкка сизга юради.

Кайдаки, Тўра Раззоқов ҳақида гап кетса, шогирдлари юзига нур югуради. Бу одам ҳар нарсага юракдан ёндашади. Инсоний муносабатларнинг ичиде энг гўзали самимият эканлиғига шундай одамлар тимсолида ишонч ҳосил қиласиз. Нақадар оддий, нақадар самимий, нақадар яхши одамлар улар.

Баъзида арзиманган нарсаларга асабийлашамиз, майдагина бир муаммога дуч келсам ҳам нолийимиз, бировларнинг ташвишларидан ўзимизни олиб қочамиз. Тўра акага ўхшаган инсонлар ҳаётининг ўзи бизга дарс бўлади. Бу одам ҳаммиса ҳаётга кулиб қарайди, чехрасида мамнуният балки туради, ҳар нарсага асабийлашмайди, ҳеч қачон нолиймайди.

Агар самимият суратини чизиш керак бўлса, ана шундай одамларга қараб чиқиш керак. Шунинг учун ҳам донишмандлардан бири «Рўйи заминда биз учун энг мароқли инсон чехрасидир» деганида минг қарра ҳақдир. Ўқитувчиларнинг чехрасида нур кўпроқ бўлади. Уларни ҳамма жойда бир қарашда таниб олиш мумкин. Шу боис ҳам устозларни учратиб қолганда «Салом сизга, эзгулик одамлари!» дегингиз келади.

Эшқобил ШУКУР, шоир.

## ЭЗГУЛИК



## ҲУҚУҚИЙ ТАРБИОТ

## ...Умр фойдаси

Йўл қодаларига тўғри тарзда риоя этиш ҳам пиёда, ҳам автоулов бошқарувчисига бирдек маъсулият юклашини кўпчилик яхши билади. Аммо афсуски, бу қодаларга ҳамма ҳам риоя этмабмайди ва оқибатда қанчадан-қанча инсонлар йўл-транспорт ҳодисалари натижасида турли хил тан жароҳатлари олиш, моддий зарар кўришдан ташқари ҳалок ҳам бўлмоқдалар. Бундай бахтсиз ҳодисалар нафақат ҳайдовчилар, балки кўп ҳолларда пиёдалар айби билан содир этилаётгани эса ачинарли ҳолдир.

Шу сабабдан Тошкент шаҳар ИИББ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими ҳамда Тошкент шаҳар ИИББ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси билан ҳамкорликда «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» муносабати билан уюштирган «Йўл қодалари — умр фойдаси» деб номланган матбуот анжуманида асосий эътибор ана шу муаммолар ечимига қаратилди.

Ушбу «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»ни ўтказишдан мақсад оғир турдаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракатлинидаги кўпол қондабузарликларни аниқлаб, бунга нисбатан тегишли чоралар кўриш, шунингдек, кўча ва чорраҳаларда пиёдалар ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида автомобиль тирбандликларини бартараф этиш ва бу ишга кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳайдовчи ва пиёдаларнинг амал қилиши шарт бўлган ўз мажбуриятлари борлигини эслатиб ўтишдан иборат бўлди.

Маъмур ойлик давомида олиб борилган тадбирлар натижасига кўра республика ҳудудида йўл-транспорт ҳодисалари сезиларли даражада камайгани қайд этилди.

Ўз муҳбиримиз

## Қонунни билган ютқазмайди

Ҳаётнинг турли хил ташвиш ва вувончларини баб-баравар енгиб, баҳам кўра оладиган инсонларга ҳамма ҳавас билан қарайди. Эслайлик, истиқлолнинг илк йилларидаёқ одамларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва юксалтириш гоёси энг долзарб вазифа сифатида қўйилди. Нега? Боиси жуда оддий: яъни ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган, чуқур англай олган фуқаро ҳар қандай вазиятда ҳам жамиятнинг онгли аъзосига айлана боради. Бу маъсулиятли вазифа ўтган 19 йиллик муддат давомида юртдошларимиз ҳаётининг ажралмас бир қисмига айланиб улгурди, десак муболага бўлмайди.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2003 йил 27 августда қабул қилинган қарор мазмун-моҳиятидан келиб чиқилган бўлса, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва қонун устиворлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий тарбиянинг янада кучайтириш борасидаги вазифалар Адлия вазирлиги ва унинг кўйи тизимлари зиммасига жиддий маъсулият юклайди. Ва табиийки, бу жараёнда ҳар биримиз ўз сақолатимиздан келиб чиққан ҳолда фаолият юритишимиз талаб этилади. Чунки ҳар бир ҳудудда олиб борилган ҳуқуқий тарбиот ишлари биринчи навбатда аҳолининг барча қатламлари манфаатига мос келади.

Кўп бора гувоҳ бўламиз: оилавий муаммолар, мол-мулк, уй-жой ва бошқа турли масалалар билан боғлиқ мунозабатлар, саволларни ўрганиб чиқиш жараёнида шу нарса маълум бўладики, аксарият ҳолларда фуқароларнинг ўзлари ҳақ-ҳуқуқларини билмаслиги оқибатида жабр кўриб юришади. Уларга қонунларимизда белгиланган тартиб-қоидаларни обдон тушуниш, масалала ойдинлик киритилади.

Шухрат МИРОЛИМОВ, Тошкент вилояти Оҳангарон туман давлат нотариал идораси нотариуси.

## Аввал кўриқ, кейин...

Аҳолининг кўпчилиги, энг аввало, ҳукуматимиз томонидан, шунингдек, адлия вазирлиги ва жойлардаги маҳалла-кўй фаоллари, ҳуллас, барча маъсуллар томонидан қўйилаётган жиддий талабларга риоя қилишаётгани хайри иш бўлди. Негаки, авваллари икки томон ўзларича келишиб олиб, бир ҳафта орасида тўйни ўтказиб юборишар, беш-олти ойдан кейин эса ФХДЭ ва бошқа тегишли идораларга қочиб келишарди. «Ҳўш, хизмат» десангиз, «Келин-куёвларнинг никоҳ қоғозига келувдик, ўзлари иш билан кетишган» деган гапни айтишар, амалдаги қонунларга тесқари тадбирларни қўллаб, сўнг сарсон-саргардон бўлиб юришарди. Энди эса ҳамма фуқароларнинг амал қилиши мажбурий ҳисобланган қодаларга мувофиқ, ота-оналар эмас, аксинча, оила қуришга аҳд қилган ёшларнинг ўзлари ФХДЭ бўлимига келиб мунозабат этишмоқда. Ва табиий равишда тиббий кўриқдан ўтилгандан кейин никоҳ расмийлаштириляпти.

«Шоли курмаксиз бўлмайди» деганларидек, ҳали-ҳануз эскича қарашлардан қутулолмаётган кишиларга мавжуд қонунларда қайд этилган тартибларни батафсил тушунириямиз. Тўғри, баъзан халқимизнинг урф-одатларига тўғри келмайдиган ақидаларга кўр-кўрона эргашадиганлар ҳам кичик қолади. Лекин уларга ҳам имкони борича Оила кодекси ва бошқа амалдаги ҳужжатларда белгиланган берилган мажбурият ва вазифаларга қатъий амал қилишлари шарт эканлигини тушутириб, ноқонуний амалларга йўл қўйишнинг оқибатлари яхшилик билан тугамаслиги ҳақида оғохлантириямиз.

Ж. ФАЙБУЛЛАЕВА, Косон тумани ФХДЭ бўлими мудири.

Исон камолот ёшига етган сайин ҳаётнинг қадрини, одамлар ва дунё ганиматлигини англай боради. Кўрган-кечирганлари ҳаётий тажрибага айланиб, йўл қўйган хатолари, эришган ютуқларининг моҳияти — сабабини таҳлил қилади, хулоса ясайди. Виждони уйғоқ ҳар бир киши «Жатоларимни бошқалар қайтармасин» қабилида ўзидан кейинги авлодга насиҳат қилади. Шукрки, нияти пок, қалби тоза, одамларни доимо хушёрликка қақирувчи сергак отахонлар ҳар бир маҳаллаю қишлоқларимизда биз билан ёнма-ён яшамокда. Уларнинг ибратли ҳаёти, ҳавас қиларли турмуш тарзи барчамизга ўрнак бўлмокда.

Тошкент шаҳар маҳаллаларида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш мақсадида ўтказилган тадбирларда иштирок этиб эса, бу фикрларнинг нақадар ростлигига яна бир қарра амин бўлдим. Ёшу қари билан лиқ тўла маҳалла гузарии залида пашша учса сезилади. Чунки аҳалла оқсоқоли сўзламокда. Нафсилабирини айтганда, ҳозирги замонда курук маъруза тинглашни истайдиган одамнинг ўзи кам. Бироқ дилдан чиқаётган диёнатли сўзлар барчани лол қолдирган, диққат-этиборни тортган эди.

— Тўй қилувчи хонадон ағалари, аввало, маҳаллага чиқиб маслаҳат солиш ўрнига, номдор санъаткору ҳашаматли ресторанининг бўш вақтини аниқлашга шошади. Эртага соғлом зурриёд, тан-жони сихат, тўрт мучаси соғ набири кўриш учун ёшларни тиббий кўриқдан ўтказмай, дўхтирдан таниш-билиш қилириб қолишади. Расмий никоҳдан ўтказмасдан, танишроқ домламуллани топиб, «Шариат аҳкомини бажардим» деб ўзини тинчантириб, тўй бошлайверади. Мард бўлиб, икки хонали уйни айвону дахлизлари билан қўшиб, келиннинг маҳрига аташади, аммо эрта бир кун дилхиралик устида уйдан чиқиб кетган келинга ўз ҳақини бериш у ёқда турсин, ҳатто 2-3 фарзандли бўлганда ҳам хонадонига доимий рўйхатдан ўтказмайди. Натияжада,

«Ўригидан данаги ширин», деб ардоқлаган набиралари қон йиғлаб, кўча-кўйда сарсон, тирик етим бўлиб юради... Чалларини йўқотдик, деб хурсанд бўламиз, аксинча, тўқликка шўхлик тобора авжига чиқиб, аёлларнинг орзу-ҳаваси янгича тусда, янгича никоҳда урчиб бораёпти. Биз кимни алдаямиз, ўзимизни ўзимиз эмасми?

Ҳа, оқсоқолнинг куюнганича бор. Энг қизиги, тўй-ҳашамлар дабдабаси пойтахт деб аталган маданият ўчоғидан вилотларга-ча бориб етмокда. Самарқанд

Айримлар «Пул йўқ», деб нолиса-да, қилаётган тўйларига қараб ҳайрон қоласан, киши. Қайноналарнинг ноз-фирогини айтмайсизми: «Онанг ундай қилмади, бундай қилмади», деб келинларга дашном беришдан нарига ўтмай қолишди. Меҳроқибатни ёшлар оилада кимдан ўргансин?! Бугун Самарқанд тўйларининг дабдабаси тошкентликларникидан қолишаётгани йўқ. Маҳалладаги йиғилишларда, тўй бошлаган хонадонларга маҳалланинг катталари билан бориб гаплашамиз, аввал

## ТҲЙЛАРИМИЗ — ҲЙЛАРИМИЗ

Ажабо, маслаҳатчи онахонларнинг сўзини эшитиб, наҳот қизларимиз шу даражада беқадр бўлиб кетаяпти, дея ачинасан, киши. Қизнинг бахти маънавий сепи кўплигида, тўй харажати камлигида эмасми? Кўпни кўрган отахонлар суҳбати бизни янада хушёр торттиради:

— «Оммавий маданият» ҳақида гапира туриб, интернетдаги турли ахборотлар болаларимиз онгини бузаяпти деб,

лон пулга «Лимусин» машинаси учун бюрторма берилади, келин-қўйлак фалон пул, қаторлашган «Жип»лар, «Мерс»лар кўзни қамаштиради... Ҳ-ҳ-ҳ, ким уйланаёпти экан, деб лол қоласан, киши. Шу қадар дабдабаю аса-садан кейин ёшлар бахтли бўлиб кетса, хўп-хўп, аммо уларнинг аксарияти меҳнат қилмай, ота-онанинг пули эвазига муҳайё қилинган уй-жой, тўй-тантанада қизларини эртақлардаги шахзодаю маликалардек ҳис этишади. «Меҳнат-ла келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик», деганларидек, оила кураман деб, пешона тери тўкмаган, ҳеч бир ма-шаққатсиз уй-жойга эга бўлаётган ёшлар ҳеч қанча вақт ўтмай, жиддий узр-сабабсиз ажрим учун ашаддий пули эвазига муҳайё югуриб қолишади. Буларнинг бари тўқликка шўхлик-да!..

— Ота-болаларимиз: «Тоққа чиқмасанг дўлона қайда, жон куйдирмасанг жонона қайда», деб бежиз айтишмаган. Биз уйланамиз, бола-чақали бўлайлик деб, йиллаб меҳнат қилганимиз-а. Шу боис қирқ-эллик йиллаб яшаб, қўша қариб келмокдаими-да...

Этиборингизга ҳавола этилган ушбу безовта фикрлар, аслида, бугунги тўйларимиздаги машамшлар, ёшлар тарбиясидаги муаммолар ҳақида маҳалла оқсоқолларининг ачиниб, куюниб айтганларидан бир шингили, холос. Орияти кучли халқимизнинг виждони уйғоқ одамлари ҳар бир даврда жамиятни хушёрликка чорлаб турган. Чунончи, биз ҳам ушбу ибратли, аммо аччиқ ҳақиқатларни юрагимизга сифдиришмай, кўлга қалам олиб, сиз муҳтарам юртдошимиз, замондошимизга илиниб, қоғозга туширдик. Зеро, жамият сизга биздан иборат.

**Муҳиба ҲАМИДОВА,**  
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг илм-фан, таълим, маданият, диний маърифат ва хотин-қизларнинг маънавий манфаатларини муҳофаза қилиш бўлими мудири, филология фанлари номзоди.

# Виждони уйғоқ одамлар



шаҳар фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари билан ўтказилган семинар ўқувларида шундай фикрлар гувоҳи бўлдик:

«Тошкентда қиз узатаётган оила куёв боланинг куп-куруқ уйини жиҳозлаб, парда, мебел-себелигача тўлдириб берааркан, деб бизда ҳам шу одатлар қатъий расм-русумга айланмокда. Одатда, қиз бола куёвниқига бир сандиқ сеп, 5-6 та кўрпал-тўшак билан борарди, холос.

«хўп», деб туриб, кейин «Орзу-ҳавасли дунёда боланинг тўйини бировдан кам қилсам бўлмайди-да», дея қарзга ботиб бўлса-да, ҳашаматга берилиш-аяпти».


«Юз очардаги сарполарни кўриб оғзингиз ланг очилади. Хориждан келган алтир-юлтурлар, қўша-қўша тилла буюмларнинг саноғига етолмайсан. Ёшлар маънавиятини биз катталар ўзимиз бузаямиз. Қиз чиқараётганининг харажати гаки-та келин туширса бўлади-ёв.

## ДНК текшируви

оталикни белгилашга ёрдам беради

Фуқаро М. Н. Рўзиева жавобгар М. М. Муродовга нисбатан оталикни белгилаш ва алимент ундириш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга муурожаат қилди. У жавобгар билан бир неча йил никоҳсиз яшаб келганини, ўрталарида бир фарзанд борлигини кўрсатиб, М. М. Муродовни 2004 йил 12 июнда туғилган Севинч исмли қизалоқнинг отаси деб белгилаш ва ундан алимент ундириб беришни сўраган. Суд мажлиси жараёнида жавобгар даъвогарнинг даъво талабини тан олмади. Шундан сўнг ишга аниқлик киритиш мақсадида ДНК суд-биологик экспертизаси тайинланди. Х. С. Сулаймонова номлидаги республика суд экспертиза марказининг хулосаси даъвогарнинг даъвоси тўғрелигини тасдиқлади. Шунга асосан суд М. М. Муродовни 2004 йил 12 июлда туғилган С. М. Рўзиеванинг отаси деб белгилаб, жавобгардан вояга етмаган фарзанди таъминоти учун иш ҳақи ёки бошқа даромадининг 4/1 қисми миқдориди алимент ундириш ҳақида қарор қабул қилди...

Шу ўринда оталикни белгилаш



тартиблари ҳақида бироз маълумот бериб ўтсак. Оила кодексининг 62-моддасига биноан, оталикни суд тартибиди белгилаш ота-онандан бирининг ёки боланинг васий(ҳомий)сининг ёхуд бола кимнинг қарамоғида бўлса,

## ҲУҚУҚ

шу шахснинг аризасига, шунингдек, бола вояга етганидан кейин ўзи берган аризага мувофиқ амалга оширилади. Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни кўзга-тиш учун умумий асос ота-она ўртасида расмий никоҳнинг йўқлиғидир. Оталикни белгилаётганда суд бола туғилишига қадар онаси жавобгар билан бирга яшаган, умумий рўзгор юритган ёки улар болани биргаликда тарбиялагани ёхуд таъминлаб турганини ёки жавобгарнинг оталикни тан олганини аниқ тасдиқловчи ва бошқа далилларни эътиборга олади. Оталикни белгилаш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори кучга киргандан кейин суд шу қарор нусхасини бола туғилгани рўйхатга олинган жойдаги ФХДЭ бўлимига юборади.

Оила кодексининг 64-моддасига асосан, оталик белгиланганда болалар ота-онаси ва уларнинг қариндошларига нисбатан ўзаро никоҳда бўлган шахслардан туғилган болалар билан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар.

**Г. ДАВЛАТОВ,**  
Фуқаролик ишлари бўйича Зарафшон туманлараро суди судьяси.

## САВОЛ-ЖАВОБ

### Шаърий никоҳдан ўтиш учун...

Яқинда бир қариндошимиз ўғлини уйлантирди. Тўй кунини икки ёшни шаърий никоҳдан ўтказиш учун анча сарсон бўлишимизга тўғри келди. Эшитишимча, улар қонуний никоҳдан ўтмай туриб, тўйни белгилашган экан. Шу кунларда кизимни турмушга узатмоқчиман. Энди юқоридаги каби ҳолатга тушмаслик учун нималарга эътибор беришимиз керак.

**Муборак Исоқова,**  
Фаргона вилояти.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 13-моддасига биноан никоҳ Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимида тузилади. Никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гербли гувоҳнома шаърий никоҳдан ўтиш учун асос бўлади. Бундай талаб қўйилишидан асосий мақсад, бошқа йўллар, масалан, диний ақидаларга асосан ёки, маҳаллий урф-одатларга амал қилинган ҳолда тузилган никоҳ ҳуқуқий қафолатга эга эмас. Яъни эр-хотинга тегишли бўлиши мумкин бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келиши учун асос бўла олмайди.

Никоҳ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб эр-хотинга ҳуқуқий мажбуриятлар юклатилади.

**Гуландом МЎМИНОВА,**  
Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ФХДЭ бўлими I-тоифали инспектори.

— Доиранинг энг қадимий чолғу асбобларидан бири эканлигини, масалан, юртимиздаги археологик қазилмалар пайтида топилган доира расми туширилган қадимий суратлар исботлайди. Бу сиз нафақат бизда, балки бошқа кўпгина шарқ халқларида ҳам мавжуд бўлиб, фақат халқлари ва ишланиши сал бошқачароқ кўринишда. Лекин, улар орасида барибир биздагиси энг мукамалроғи бўлса керак, деб ўйлайман. Шу боис қадимдан тўрт-тантаналаримиз доирасиз ўтмаган. Албатта, уни чалишнинг ўзига хос хилма-хил усуллари бор. Тантаналарга, келин-куёв тўйларига, бирор мажлис-маъракага чакририш куйлари шулар жумласидандир. Устозларимиздан бизгача етиб келган "Кўшқар", "Тантана", "Довул", "Кўқонча", "Шодлик", "Бурулча" ва бошқа кўплаб усуллари халқимизга жонли тарзда етказиб беришга кўлимиздан келгунча ҳаракат қилапмиз. Уларнинг барчасини уста Олим Комилов тўплаб дарслик яратганлар. Бу куйларнинг ўзига яраша оҳанги, сеҳрли жанри борки, тинглаётган одамнинг танаси, қўл-оёғи беихтиёр ҳаракатга кела бошлайди. Яна бир жиҳати, доирани ҳаммаям маромига етказиб чалавермайди. Бир-икки марта "бум-бак-бак"ни чертсам бўлди, деганлар хато қилади. Доирачи ҳам ўзига яраша истейдод соҳиби, товушни нозик ҳис қилиши ва албатта устоз кўрган бўлиши керак.

— Кейинги йилларда барча соҳада бўлгани каби санъатда ҳам янги техник воситалардан фойдаланиб, куйларни сунъий тарзда ёзиш, яъни фонограммага ружу қўйиш ҳоллари оммавий тус олмақда. Шунинг учунми, ёки бошқа сабаблар туфайлими, негадир доира созига нисбатан эҳтиёж, эътибор сусайгандек назаримда? Сизнингча-чи?

— Тўғри таъкидлаясиз, ҳозирги кунда бу созга замонавий эстрада жанрларида унчалик мурожаат қилишмаяпти. Назаримда, доира жўрлигида ижро этиладиган куйлар нисбатан каммайиб бораётганга ўхшайди. Бу, энди, кўнгилга хуш келмайдиган ҳол. Куй ёки кўшиқнинг юракка таъсир қилиши учун ҳаммаси жонли бўлиши керак. Компьютерда яратилган сунъий нолалар, табиийки, ўтги, кўнгилларни сеҳрловчи кучга эга бўлмайди. Лекин бу соҳада ҳам ўз йўли, ўслубини топаётган, миллий созларимиздан унумли фойдаланаятган ёшларимиз талайгина.

Масалан, янги-янги истейдодларни кашф қилиш мақсадида 1991 йилдан бошлаб ҳар икки йилда "Зарб" доирачилар танловини ўтказиб келипмиз. Бу кўрикда республикамизнинг турли вилоятларида яшаётган ёш истейдод соҳиблари қатнашиб, ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Беллашувнинг асосий шартларидан бири, ҳар бир қатнашчи "Кўшқар" усулини чалиб бериши керак. Бўлгуси доирачиларимиз бу фестивалга қатнашиши асосида бой миллий меросимиз намуналари билан танишиши ва ўрганиши имкониятига эга бўлишади. Мен консерваторияда талабаларга, академик лицейда эса ўқувчиларга чолғулик сирларидан таълим бериш билан бирга, ўзим яшаб турган маҳалладаги ижодхонамда барча талабгорлар, санъат йўлига энди кириб келаётган ёш истейдодларга бу нозик санъат сир-синоатларини ўргатайман. Баъзан бирор тад-

**Шундай миллий созларимиз борки, бирини тингласанг маза қилиб дам оласан, бошқасининг сеҳрли оҳанглиридан кўнглинг таскин топади. Доира садолари янграса-чи, томиларинг титраб, ҳар бир бўғининг ҳаракатга келади, беихтиёр даврага чиқиб, рақсга тушиб кетганингни билмай қоласан. Бунинг ҳам ўзига хос сир-асрори борми? Бўлса уларни қандай изоҳлаш мумкин?**

**Бугунги суҳбатдошимиз — кўпгина халқаро танловлар ғолиби, юзлаб шоғирдларнинг устози, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилмурод Исломов бу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини шундай изоҳлайди:**

бирда, радио ё телеэкранда чала ижроларни эшитиб, кўриб қолсам, кўнглим хира тортади. Кейин хатоликка йўл қўйган ижрочилар билан учрашиб қолсам, албатта танбёх бераман. Аксарияти сира оғринмайди, аксинча, тўғри қабул қилади, хатоларини тузатишида ёрдам беришимни, ўргатишимни сўрашади.

— Сиз дунё кезган инсонсиз. Қолаверса, қанчалоб давлатларда ўзбек доираси доврўгини танитишда мубо-

**Дилмурод ИСЛОМОВ:**

## Истейдод ҳеч қаерда сотилмайди

лагасиз айтиш мумкинки, ижодий хизмати сингилан машхур Исломовлар сулоласи вакилисиз. Айтингчи-чи, бугунги ёшларнинг бу соҳада эришаётган уютуқлари ва баъзан йўл қўяётган камчиликлари нимада деб ўйлайсиз?

— Очигини айтмайми сизга, бир замонлар "Эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди" дея ёзгани Эркин Воҳидов роса топиб айтганига яна бир карра иймон келтиряпман. Нега демасизми, сабаби, мен ҳам бугунги давр, замон ёшларига чин юракдан ҳавасим келади. Э, нимасини айтасиз, уларнинг бахти бутун экан-да, бўлмаса, менга ҳам истиқлол даврида қирчиллама 20-25 ёшда ёниб ижод қилиш насиб этганида борми, шунақа ёниб, жўшиб ишлардимки...

— Дилмурод ака, ҳеч ўқинмасангиз бўлади, кўпчилигингиз ҳозир ҳам сизга ҳаваси келади...


— Мен бу гапни бежизга айтмаяпман, негаки, мустақиллик даврига келиб, барча соҳаларда бўлгани каби санъат оламида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Айниқса, миллий санъат дурдоналарига бўлган эътибор кучайди. Биргина мисол, пойтахтимиз кўрқига кўрк қўшиб турган консерватория биносини олайлик, ёки театр ва санъат саройларини қаранг, кўрган кўзлар кувонади. Буларнинг ҳаммаси, эртанги кунимиз эгалари — ёшларимиз, фарзандларимиз камолоти ва истейдодини намоян этиши учун шахсан Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган катта ғамхўрлик намунаси эмасми? Ёки дунё микёсида ўтказилаётган халқаро танловлар, фестивалларда қатнашиб, юртимиз доврўфига доврўқиб келаётган иқтидор соҳибларига берилаётган эътибор, эҳтиромлар-чи? Буларнинг ҳам-

маси осмондан тушгани йўқ, улуг истиқлол шарофатида-да! Энди нима десам экан, санъат соҳасига қизиққан айрим ёшларда кузатаётган қусурлар ҳам учраятки, булар ҳақида айтиб ўтмасам бўлмас. Яъни, аввало улар орасида тез машхур бўлишга қизиққан "касали"га ружу қўйганлари, ўзига ҳаддан ташқари ишонганлари, миллийликдан кўра европалашган тарбияга мойиллиги кучли бўлганлари ҳам учрайди. Бир пайтлар бизлар ҳар бир дарсни миридан-сирингача ўрганиб ол-

(Yeosu-city) шаҳрида ўтказилган «Дунё усталари — 2010 (World Masters Festival 2010) фестивалида «Сайқал» гуруҳимиз билан қатнашиб, махсус сертификатни қўлга киритдик. Бундан ташқари, ўзим ҳам яққа ҳолда чиқиб қилиб «World Masters» унвонига сазовор бўлдим.

— Юртдошларимиз яхши эслашадими, сизлар яъни ака-ука Исломовлар чиққан пайтлари оилавий санъаткорларнинг сони жуда кам эди. Бугун эса бундай гуруҳларнинг катта-кичик саҳналардаги чиқиллари аста-секин анъанага айланиб қолди. Бунга муносабатингиз қандай?

— Доно халқимизда "Олманинг тағига олма тушади", "Қуш уясида кўрганини қилади", деган пурмаёно ҳикमतлар бор. Агар шу оилада ҳақиқатан ҳам ота-боболари эъозлаб, ардоқлаб келган санъат соҳасига қизиқиб, интилиш кучли, энг муҳими, ана шундай иқтидор эгасига ишонч мустаҳкам бўлса-ку, бу икки карра яхши ва чин маънода бундан суюниш керак.



Мабодо бунинг акси бўлса-чи? Ким кўпроқ жабр кўради? Албатта, муҳлис, томошабин-да. Ўзлари бу ҳақиқатни билишса-да, лекин зўрма-зўракилик, нафс кургур устунлик қилади. Қандай бўлмасин, ўгли ёки қизини, қариндош-уруғини сахна-ма-сахна, тўйма-тўй зўрлаб етаклаб юрганларга маслаҳатим: уларнинг юрагига қулоқ тутинг, қалбига қандай ният ва орзулари бор аслида? Чунки истейдод деган улуг куч ҳеч қаерда сотилмайди ёки уни бировдан қарзга ҳам олиб бўлмайди. У аввало қонда, юракда илдиэ отиши кераклигини улуғларимиз ўз ижодлари мисолида исботлаб кетишган.

— Ўзингизга келадиган бўлсак, оилангизда сизнинг йўлингизни танлаганлар борми?

— Очигини айтишим керак, болаларим бевосита ва билвосита шу катта санъат ичиди, муҳитида ўсиб-улгайиши-ю, аммо негадир, бирортаси изимдан чиқмади. Лекин бундан ҳеч қачон нолимайман. Беш нафар фарзандимнинг бири тadbиркор, бошқаси иқтисодчи, яна бирови шифокорликка ўқияпти. Мен ишонасизми, уларга ҳар доим: "Санъатнинг нони жуда қаттиқ, доира ёки бошқа турлари билан шугулланиш учун иқтидор, ақл ва керак бўлса, жисмоний куч ҳам зарур бўлади. Агар шулардан кўркмасанлар марҳамат, қўлимдан келганча ёрдам бераман", деганман. Худога шукр, ҳаммаси ҳаётда ўз йўлини топишга ҳаракат қилаяпти. Фарзандларимнинг иккитаси оилали, ҳозирда беш нафар набиранинг бувазиман.

"Оила ва жамият" муҳбири Шаҳноза РОФИЕВА суҳбатлашди.



**ЧАРХПАЛАК** — сув кучи билан айланиб катта ариқдан сув чиқарадиган энг қадимий қурилманинг номи билдирган "чархпалак" сўзининг туб илдиэ "айланувчи осмон гумбази" деган маънони аңглатади.

**ЧИГИРИК** — қадимда пахтачи чигитдан ажратиб олишда ишлатиладиган қўл асбоби "чигир" деб аталган. Ўзбек тилининг этимологик луғатида изоҳланишча, бу сўз эски ўзбек тилида "чархпалак" маъносини аңглатган "чигир" сўзидан келиб чиққан.

Чиққан қиз чигирикдан ташқари.

Халқ мақоли

**ЎТИК (УТЮГ)** — қизик, илмий манбаларда изоҳланишича, "дазмол" маъносини аңглатган "ўтик" сўзи қадимги тилимизда мавжуд бўлган ва унинг "ўтук" шакли фаол қўлланган. Бу сўзнинг туб илдиэ "олов" маъносидидаги "ўт" сўзига бориб тақалади, унга қўшилган "ук" кўшимчаси эса, "сирпаниш" маъносини билдирган. Демак, "дазмол" маъносидидаги "утюг" сўзи айнан бизнинг ўзбек тилимизга оид сўз бўлиб, унинг туб илдиэ "ўт" сўзидир.

**ҚОВҒА** — ўн икки буржинг ўн биринчиси номи "Қовға" деб аталади. Бу буржинг Далв деган номи ҳам бор. Шамсия йил ҳисобидидаги ўн биринчи ой ҳам шундай аталиб, бу ой 22-январдан 22-февралгача давом этади. "Қовға" сўзи "қудуқдан сув тортиладиган чарм идиш" деган маънони билдирди. Қовға буржининг қадимда "Қўноқ" деб аталгани ҳақида Юсуф Хос Хожибнинг "Қутадғу билиг" асаридида маълумот берилган. Шунингдек, "қовға" деган кўп йиллик ўсимлик тури ҳам бор.

Ҳадемай Хоразм қовунлари қовғага осилади.

Газетадан

**ЖАВҲАР** — "Жавҳар" "гавҳар" сўзининг ўзгарган шаклидир. Унинг "ғуҳар" шакли ҳам бор. Муамтоз адабиётимизда марварид "гавҳар" деб аталган. Бу сўзнинг қимматбаҳо тош маъносидан ташқари ҳар бир нарсанинг асли ҳақида моддаси деган маъноси ҳам бор. Шунингдек, "гавҳар" ёки "жавҳар" деганда марвариду дур, лаъл, ёқут, зумрад, забаржад, олмос, феруза каби нодир тошлар ҳам тушунилан. "Сўз хусусида сўз" китобида "жавҳар" сўзининг маъноси шундай изоҳланган.

Мусаффо тишлари кулгу чочи лаъли лаби ичра Дарахшон ҳуққайи ёқут аро покиза гавҳардур.

Огаҳий

**ЯЙДОК** — ўсимлик ўсмайди-ган ўт-ўласиз, дов-дарахтсиз жой маънони билдирган бу сўзнинг туб илдиэ эгар-жаб-дўксиз от деган маънони аңглатади.

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

**САВОЛ-ЖАВОБ**

**«DOCTOR — D» госпитали раҳбари Дилмурод Иргашев жавоб беради:**

**“3 нафар киз фарзандим бор. Чап тухумдонимда киста (ўсимта) борлиги аниқланган. Фақат киз кўришим ўсимтага боғлиқ эмасми?”**

**Дилдора,  
Тошкент шаҳри”.**

Аёл организми табиатан ҳам қиз, ҳам ўғилни 50х50 даражада баробар дунёга келтириш қобилиятига эга. Қиз фарзанд туғилишида ўсимта сабаб бўлолмайди. Бироқ унинг тури кўп. Авваламбор, ўсимта тухумдоннинг айнан қаерида жойлашганини аниқлаб олиш муҳим. У ўсяептими ёки йўқ. Ҳар қандай ўсимтага ҳам жарроҳлик амалиёти қўлланилавермайди. Шунинг учун бепарво бўлмасдан, шифокор назоратидан ўтишни маслаҳат берамиз.

**“Фолекуляр киста” сўзи қандай маънони англатади? Дилафрўз,  
Самарканд вилояти”.**

Фолекуляр киста фақатгина климакс даври 45 ёшгача бўлган аёлларда учраши мумкин. Аёلнинг ойда бир маротаба ўнг ёки чап тухумдонидан битта тухумхужайра эркак уруғига қўшилса, ҳомила пайдо бўлади. Агарда етилиб чиққан тухумхужайра ёрилмай катталашаверса? мана шу тухумхужайра фолекулярний киста дейилади. Бундай ҳолат кўпинча бепуштлиқка сабаб бўлиб, бу организмдаги гармонлар бошқарилуви бузилишидан келиб чиқади.

Бу борада бизнинг “DOCTOR—D” ихтисослаштирилган клиникамида керакли муолажалар, тиббий ёрдамлар кўрсатилади. Тошкент шаҳри Олмазор тумани Уста Олим кўчаси, 15<sup>а</sup>-уй.

(Тел: +99871-113-00-57).

E-mail: hospital@doctor.d.uz **Хизматлар лицензияланган.**  
URL: http://www.doctord.uz **лицензия рақами № ПЮ-2876.**

**Хурматли муштарийлар! Ўзингизни қизиқтирган саволлар юзасидан (+99894)607-67-32 телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.**

**«NORBEKOV SOG'LOMLASHTIRISH MASKANI»**

**Сизларни соғломлаштириш курсларига таклиф этади!**

Агар Сиз истасангиз, дардингиздан ўзингиз халос бўлишингиз мумкин. Бу йўлда биз Сизга ёрдам берамиз. Бунинг учун Сиздан фақат хоҳиш, ҳаракат, ишонч ва озгина меҳнат талаб қилинади. Марказимизда академик Мирзакарим Норбеков услуби бўйича ҳеч қандай дори-дармонсиз, ташқи таъсирларсиз 10 кун мобайнида турли хил машқлар ёрдамида инсоннинг ички ҳимоя кучлари ишга солиниб, кўлаб дардлардан фориғ бўлишингизга кўмаклашилади.

**Жумладан:** кўз касалликлари, астигматизм, узоқ ва яқинни кўра олмаслик, катаракта, қон томирлар варикози, қон босими ошиши, остеохондроз, юрак-қон томирлари хасталиги, кўз ва қулоқ нерви невритлари, ички аъзо хасталиклари, ошқозон-ичак хасталиги, ўпка-нафас олиш системасидаги муаммолар, модда алмашинуви, умуртқа поғонаси, гинекологик, урологик, аллергия тери хасталиклари, астма, простатит, гипертония, экзема ва бошқа касалликлар. Бундан ташқари, соғлигингизни тиклабгина қолмай, турли хилдаги офриклар, руҳий тушқунлик, уйқусизлик, асабийлашиш ҳолатлари, оилавий ва атрофингиздагилар билан бўладиган муаммоларни баргараф этишингизга ёрдам берилади. Академик Мирзакарим Норбековнинг соғломлаштириш услуби фойдали, шу билан бирга, оддий ва самарали. Бу усулнинг асосини Шарқ файласуфларининг мумтоз аъёнлари ва қадим китобларда тасвирланган, йиллар синовидан ўтиб келган соғломлаштириш усуллари ташкил қилади. Бу усулдан марказимизда ёшидан қатъи назар, барча фуқаролар фойдаланиши мумкин.

**Манзилимиз:** Таништирув кўни 28 январь соат 10<sup>00</sup> да.  
Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 23-«а» уй. **Биринчи кун кириш бепул**  
Мўлжал: метронинг М.Улуғбек бекати, **Гувоҳнома № 000162.**  
9 қаватли сариқ бинонинг орқасидаги 2 қаватли бинодо.  
Маълумот учун телефонлар: (8 371) 276-44-59; 276-28-89.  
www.norbekov.uz e-mail: madadi-sino@mail.ru

**«ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ**

**қуйидаги ўқув курсларга таклиф этади:**

- Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
- Аёллар костюм-шўми, плаш-пальто — 1-2 ой.
- Ҳашира — 6 ой, 4 ойи ўқиш.
- Ҳашира (тезкор) — 3 ой.
- Тиббий массаж — 2 ой. Нуқтали — 1 ой.
- Торт ва пишириқлар — 2 ой.
- Пишириқлар олий курси — 1 ой.
- Уйғурча таомлар ва салатлар — 1 ой.
- Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
- Педикюр, маникюр — 1 ой.
- Сартарошлик — 3 ой.
- Тўй ва оқшом турмаклари ва мажикж — 1 ой.
- Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
- Элита парда ва чойшабар тикиш олий курси — 1 ой.
- Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
- Қашқачилик — 3 ой (машинадада вышивка).
- Тўқувчилик — 2 ой.
- Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Бисер, яъни мўнчоқ тикиш — 2 ой.
- Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
- Компьютерсабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой.
- Арабча ва миллий рақс — 3 ой.

**Барчаси амалиёт билан**  
Етоқхона мавжуд.

**Ўқини тугатганларга ДИПЛОМ берилади.**

Манзил: Тошкент шаҳри Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод дехқон бозори оққасида.  
Тел: (8 371) 221-17-95, (8 371) 221-77-72 (кундузи), (8 371) 225-97-93 18:00 дан 22:00 гача.

Филиал  
Манзил: Ҳанза тумани Фарғона йули. Кўйлик 4-уй 40-хона.  
Тел: (+99897) 785-90-30 (кундузи)

Бугун юртимиз ҳудуди-га стратегик муҳим аҳами-ятга эга бўлган корхона-ларда ишлаб чиқарилади-ган ва валюта шартнома-лари бўйича республика-мизга олиб келинадиган маҳсулотларни “Ўзстан-дарт” агентлиги республи-каси синов ва сертификат-лаштириш маркази давлат корхонаси тасарруфидаги барча вилоятларда бугун-ги кунда сертификатлашти-ришни амалга оширишда малакали мутахассислар мушимизга зарур бўлган истеъмол учун яроқли маҳсулотларни харид қилиш билан боғлиқ ёки уй-рузгор ва бошқа ўнлаб тур-даги буюмларнинг сифат даражасини аниқлаш бора-сида мазкур соҳа ходим-лари хизматига деярли ҳар қадамда зарурат сезамиз. Айниқса, ҳар бир хона-дон ёнқи, ташкилот, кор-хона бўладими, албатта, электр ёхуд газ таъмино-тидан фойдаланади. Эҳти-ёжimiz учун ишлатилади-да. Сурхондарё синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхона-си тизимида айни пайтда сертификатлаштириш идо-раси ва аккредитланган синов лабораторияси, си-фат тизимларини жорий қилиш бўлими, ўлчаш во-ситалари устидан давлат метрологик текширув бўлимлари фаолият кўрсатяпти. Мазкур бўлимлар замонавий тек-ширув асбоб-ускуналари билан жиҳозланган бўлиб,

**Истеъмолчи манфаатини ўйлаб**

**фаолият кўрсатаётган Сурхондарё синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси хусусида**

томонидан аҳолига ва кор-хоналарга намунали хиз-матлар кўрсатиб келинмоқ-да. Бу борада самарали ютуқларга эришаётган Сурхондарё синов ва сер-тификатлаштириш идораси фаолияти ҳам диққатга са-зovorдир. Мазкур корхона ҳам вилоятда аҳолининг эҳтиёжи ва заруратига тўғри ва тахлилий натижа-лар билан намунали хиз-мат кўрсатиб келмоқда. Қувонарли жиҳати шунда-ки, юртимизда истеъмолчи-лар ҳуқуқи амалдаги қонун-лар билан ҳар томонлама ҳимояланган. Сир эмас, ҳар биримиз кундалик тур-ган бу манбаларни сархи-соб қилишда эса албатта, ўлчагичлар асқотади. Бироқ унинг соз ёки носозлигини ўз вақтида текширувдан ўтказиб туришимиз лозим-лигини ҳар доим ҳам би-лавермаймиз. Қачонки, барча учун баравар бўлган тартиб-қоидаларга тўла амал қилсақкина, турли хил муаммолар пайдо бўлмай-ди ва ҳар қандай кўнгил-сиз воқеаларнинг олдини олган бўламиз. Бу борада эса соҳа ходимлари фао-лиятида қўлланилаётган қатор янгилик ва қулайлик-лар уларнинг иш самара-дорлигини янада оширмоқ-

улар ёрдамида бугунги кунда истеъмолчилар талабига мос ҳар хил тур-даги маҳсулотлар текши-рув назоратидан ўткази-либ, яроқлилиги аниқла-нади. Хуллас, ушбу аҳил ва ҳамжиҳат жамоа хо-димларининг саъй-ҳара-кати туфайли амалга оши-рилаётган хайрли ишлар истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Райхон ЖУМАЕВА,  
“Оила ва жамият”  
муҳбири.  
Сурхондарё  
вилояти. (т)**

**СУРХОНДАРЁ СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ ДАВЛАТ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

**барча юртдошларимизни ҳамда ўзларининг шарафли бурчларини адо этаётган офицер ва аскарларимизни мамлакатимизда кенг нишонланган миллий байрамимиз — Ватан ҳимоячилари куни билан самимий муборакбод этади!**

**Халқимизнинг тинчлиги ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилиб келаётган сиз азизларни давлатимиз сарҳад-лари дахлсизлигини сақлаш, мамлакатимиз мудофаа са-лоҳиятини янада юксалтиришдек муқаддас вазифани адо этишда ҳамisha зафарлар ёр бўлишини тилаймиз.**

**Хурматли Раткевич Татьяна Евгеньевна!**

Сизни таваллуд айёмингиз билан табриклайман. Узоқ умр, соғлиқ, бахт ва омад ёр бўлсин. Келажақдаги барча орзу-ниятларингиз рўёбга чиксин. Меҳнатингиз роҳати-ни кўринг.

**Хурмат билан Гузала БЕКБУЛАТОВА**  
Тошкент шаҳри Юнусобод тумани


**Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабидан Абдуниғмонова Зулайхо Кудрат кизига берилган U № 3990181 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**Тошкент Ахборот Технология университети томонидан Эшпўлатов Маъруф Муродуллаевич номига берилган талабалик гувоҳнома-си йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Узоқ кутган фарзандимиз жуда нозик ва касалманд бўлиб дунёга келди. Шифокорлар унинг жонини омон сақлаб қолиш учун бор ҳаракатларини қилишди. Шунинг учунми, Умиджонимиз икки яшар бўлса-да, ҳали ҳатто яхши юролмас, шунчалар нозик, шунчалар маънос эдики... Оппоккина, аммо озгин, қилтилаган... Момоқаймоқ дейсиз. «Пуф» этса учиб кетадигандек. Уни ниҳоятда папалар, ҳар бир янги қилиги эса биз учун катта байрамдек эди. Балки шунинг учун ҳам унинг ақли, онгида бирор қусур борлигини сезмабмиз ёки буни истамабмиз.

Умиджон гапиришга қийналар, бошқа болалардек чопқиллаб ўйнамас, асосан вақтини менинг этагимдан маҳкам ушлаб, ўтказарди. Аммо шунга қарамай, у саккиз ёшга қадам қўйган, уни мактабга берадиган бўлди. Табиийки, бунинг учун табиий маълумотномалар талаб этиларди. Биз эса шу пайтгача бола чакалоқлигида жуда кўп муолажа олганлиги учун уни бўлар-бўлмағи шифокорга олиб бормас, иситмаси чиқса, қариндошимиз бўлмиш ҳамшира келиб, оддий муолажаларни қилиб кетарди. Худди ана шу, мактабга бориш учун ўтказиладиган табиий кўриқда боламизнинг фақатгина нозик, касалмандгина эмас, ақлий ривожланишдан ҳам қилиб кетганини айтишганда, қотиб қолдим. Менга зудлик билан психиатрга учрашим ва болани руҳий хаста сифатида рўйхатга олдиришни лозимлигини айтишди. Албатта, қайси она ўз фарзандини «жинни»га чиқаргиси келади. Уни етаклаб, уйга асабий ҳолатда қайтдим. «Мен энди мактабга бормаيمانми», деди болам шўрлик кўзла-

римга мўлтираб. Ахир унга барча ўқув анжомлари, папкаси, қаламу китобларгача олиб бериб қўйган, Умиджон мактабга боришини интиқ қутиб юрганди-да. Шундай болани қандай қилиб ақли ноқис дейиш мумкин? Тўполон қилиб, яна поликлиникага бордим. «Боламни соғлом деб маълумотнома берасизлар», деб туриб ҳам олдим. Фойдаси бўлмади. Аламиндан унга ўзим, уйда харф ўргатишга тушдим. Аммо афсуски, ярим соатлик арзимас машгулот ҳам уни толиктириб қўяр, гоҳида шалвираб, соатлаб бир жойда қилт этмай ўтирганча қолар, гоҳ бирдан арзимаган нарсанинг усти-



## Ҳеч қачон «кеч бўлди» деманг

дан тўполон кўтариб, ўзини ҳар ёнга ура бошлар, жазаванинг зўридан оғиздан кўпиги келади-ган бўлди. Уни яна шифокорга олиб бордик.

**Аммо энди шифокорлар бу сафар янада совуқроқ хулосасини айтишди: «Боланинг дарди оғир. Унда шизофрения аломатлари бор. Яхшиси, уни махсус даволаш муассасасига топширинг!»**

Биз барибир ўз билганимиздан қолмадик. «Чикмаган жондан умид», деб уни турли эскича амаллар билан эмлатдик. Шу билан бирга, шифокорлар ёзиб берган дори-дармонларни ҳам ичириб юрдик. Бироқ бола улгайгани сайин бошқариб бўлмайдиган бўлиб борар, бироз кучга тўлган эса уйдаги жамики нарсаларга бесабаб зарар

етказадиган, ҳатто ўзига ҳам зиён берадиган одатлар чиқара бошлади. Биз эса ҳар неки бўлмасин, унинг дардини атрофдагилардан яширишга уринардик. Вақт ўтган сари ўғлимнинг дарди баттар зўрайиб, момоқаймоқдек нозик боламиз «чақир-тикан»га айлана бошлаган, энди умуман бошқариб бўлмайдиган даражага етиб қолди. Наҳот бўёғига пешонада борини кўра-миз?

**Анора ЖУМАЕВА,  
Сурхондарё вилояти**

**МУТАХАССИС ШАРҲИ  
Холида Жўраева, Тошкент шаҳар болалар руҳий касалликларини даволаш марказининг олий тоифали психоневрологи:**

— Аввало шуни унутмаслик

керакки, руҳий касалликлар шу кунгача бизга маълум бўлган икки гуруҳ сабабларга кўра пайдо бўлади. Улардан биринчиси: насл билан боғлиқ хасталиклар бўлса, иккинчиси ташқи муҳитнинг салбий таъсирдан юзага келадиган экзоген касалликлардир.

Биринчи гуруҳдаги касалликлар хомила даврида онанинг турли сабаблар натижасида носогломлиги ва бошқа омиллар натижасида, боланинг она қорнида шаклланиши даврида, туғруқ пайтидаги ва туғилишдан кейинги кўрак ёшидаги даврида ташқи муҳитнинг таъсирлари болада нафақат жисмоний, руҳий камчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Шу сабабдан руҳий хасталикнинг маълум турларининг юзага келишида наслини инкор этиб бўлмайди.

Ақли заифлик касалликлари кўринишларидан бири шизофренияга келсак, у оддий турда ҳам, сурункали турда ҳам учрайди. Нуқсонли белгилар секин-аста, узоқ вақт ичида намоён бўлади. Касаллик бошлангандан сўнг ҳам бу белгилар сезилмаслиги мумкин. Аммо шизофренияда ҳар доим ҳам ақли заифлик келиб чиқармайди. Чунки бу хасталикнинг шахсда кузатиладиган нуқсонлар даражаси турлича бўлади.

Шундай экан, ота-оналар ўз фарзандларига руҳий хасталикка тегишли бирор белгини пайқашса ёки боланинг феъл-атвори ва хатти-ҳаракатидаги нимадир уларда шубҳа уйғотса, дарҳол психиатрга мурожаат этишлари лозим. Улар бундан уялишлари, «Менинг болам жинни эмас-ку, нега энди психиатрга олиб боришим керак» деб ўйлашлари ҳам мумкин. Бу умуман нотўғри тушунча. Болалар психиатри — сизнинг фарзандингиз руҳиятида юзага келган салбий таъсирларни бартараф этишга кўмаклашувчи шифокор, холос. **Бундан ташқари, шуни ёдингизда тутинки, руҳий камчилиги бор болалар ўзларини хаста ҳисобламасликлари билан ҳам ажралиб туради.** Уларга буни айтишнинг ҳам кераги йўқ. Энг муҳими, бундай болалар жамиятнинг муомалага лаёқатли аъзолари бўлишлари учун уларнинг ўзларига билдирмаган тарзда қўлдан келганга кўмаклашишимиз керак. Ахир халқимизда «ўлиги бор бир кун йилга, хастаси бор юз йил» деган гап бор. Шундай экан, фарзандингизни ҳам, ўзингиз ва атрофдагиларни ҳам узоқ ва давомли изтиробга солмаслик учун ҳар қандай дардини даволатишдан қочмаслик керак.

**Дилфуза ҚҶЗИЕВА,  
«Оила ва жамият» муҳбири.**

«Китобдан яхши дўст йўқ» деган иборани кўп бора эшитганмиз. Аввал мактабда адабиёт муаллимимиз, кейин эса олий ўқув юртида устозларимиз кўпроқ бадий асарлар мутолаа қилишимиз лозимлигини ва шу орқали фикрлаш қобилиятимиз, тафаккуримиз ошиб боришини кўп бора таъкидлашган. Масалан, ўзимнинг тенгдошларим, синфдошларим орасида бундай оддий ҳаёт қондасига амал қилганлар бугун очигини айтганда, кам бўлгани йўқ. Лекин...

Сир эмас, ҳозир бирорта дугонимиз ёки танишимизга «Юр, китоб дўконига борамиз, Шўкур Холмиразевнинг тўрт томлиги, Тоҳир Маликнинг янги қиссалари сотувда бор экан» десак, ажабланиши турган гап. Нега десангиз, бугунги



кутубхонасига йўлми тушди. Ичкарида турли ёшдаги китобхонларни кўриб, тўғриси, қувондим. Кутубхо-

ахлини ташвишга солаётган. Айримлар бу истайимизми, йўқми, табиий жараён, асли ҳамма замонларда ҳам шундай бўлган, бугун ахборот асри, глобаллашув даври, ҳеч қачон мажбурлаб китоб ўқитилмайди, бу ҳам кўнгли иши, деяётган бўлса, бошқалар, йўқ, китобсиз маънавий дунёмиз ниҳоятда қашшоқлашиб қолади, ҳеч бўлмаса, оила муҳитида уни шакллантириш керак, деган фикрларни ҳам билдирмоқда. Албатта, икки тараф ҳам ўзларича барибир ҳақ эканлиги кўпма исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Лекин нима бўлганда ҳам маърифат манзиллига етаклаб борувчи маёқ бу шубҳасиз КИТОБДИ!

Оддий мисол: бизга оиламизда ҳам, мактабу коллеж ёхуд олий ўқув юртида ҳам ўтмишда ота-боболаримизнинг барча соҳаларда, айниқса, илму маърифат бобида ниҳоятда машур ва зукко, доно бўлганликлари ҳақида фахрланиб гапиришди. Бу рост, бироқ энди ана шу олимۇ фузалоларнинг муносиб ворислари эканлигимиз билан мактаннинг ўзи этиб ортмаслигини вақт деган олий ҳакам аляқачон исботлаб қўймадимми? Шундай экан, биз ёшлар — XXI аср авлодлари ҳам ўз зиммамиздаги шарафли бурчимиз — ўзлигимизни намоён этиш учун шунча имкониятлар яратиб берилаётган бир пайтда у ибратли китобми ёки яхши замонавий асарми, хуллас, ўзимизнинг хайрли амалимиз билан танилайлик. Ана шундагина «энг яхши дўстимиз»дан айрилмаймиз.

**Дилафрўза РАСУЛОВА,  
Олий ҳарбий божхона институтининг 3-босқич тингловчиси.**

### МАЪНАВИЙ БОЙЛИК

## Алломиш гурури

Халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган «Алломиш»ни бир ўқишдаёқ тушуниб, магзини чакдим, деган ўқувчига шубҳа билан қарайман. Негаки, боболаримнинг айтишларича, манамен деган машхур бахшилар ҳам бу дostonни охирига етказгунча уч-тўрт кунлаб, ҳатто ҳафталаб қуйлаган экан. Бу биз ёшлар учун бугун кулгулироқ туюлади. Лекин аини ҳақиқат. Энг аввало, бу асарнинг оғиздан-оғизга, авлоддан авлодга, ва ниҳоят, бугунги кунимизгача этиб келганлигининг сирини халқчилиги билан боғлиқдир.

Агар дostonдаги воқеалар моҳиятини чуқур англаб олган ҳолда ўқиш ва тинглашга тушсангиз борми, ундан узилиб кетолмайсиз. Чин маънода минг йилликлар асари саналган бу дostonдаги қаҳрамонлар руҳиятини тушуниш учун барибир жиддий тайёргарлик зарур деб ўйлайман. Чунки бугунги ёшлар учун жуда оддий афсона ёки эртакнамо бўлиб туюлгучи бу дostonни ўқиб, эшитиб, улғайган қанчадан қанча зиёлилар, машхур шоиру адиблар халқига унинг сеҳрли дунёсидан «яшаётган»лигининг сирини нимада экан, деган ҳақли савол кўпчиликини ўйлантириши беҳиз эмас.

Яқинда талабалар даврасида қизиқ баҳс-мунозарага гувоҳ бўлдим. Ҳар доим ўзини ақлли ва билимдон деб санайдиган дугонимиз мактаниб қолди: «Мен фалон халқнинг қаҳрамонлик эпосини маза қилиб ўқидим, жуда зўр экан, яна денг таржимасиз». Орамизда жуда кўп китоб ўқиган ва аксинча, ҳеч қачон мактанмайидиган бир курсдошимиз халқига кизга секин савол ташлади: «Алломиш»ни ўқиганмисиз? У бўлса беписанд оҳангда «Кўзим тушган, лексин тилини тушунмаганман, қанақадир ибтидоийроқми-ей... Шунда халқиги йилгит бирданга қизишиб кетди-да: «Биласизми, ҳозир сиз ўқидим деган, эъраволик тарғиб этилган асар яратилганда бизнинг боболаримиз қаҳрамонлик, мардлик эпоси Алломиш билан фахрланиб юрган» деб уни мулазам қилди...

Бир сўз билан айтганда, Алломиш йилгитлар учун қаҳрамонлик, гурур тимсоли бўлса, Барчинони эса қизлар учун ор-номус ҳаё ва вафо-садоқат рамзи. Шундай экан, биз ҳам халқимизнинг энг бебаҳо маънавий бойлиги ҳисобланган шундай дурдоналар билан фахрланайлик.

**Юлдуз ХАЙИТОВА,  
ЎЗМУнинг журналистика факультети  
2-босқич талабаси.**

## Энг яхши дўст...

ёшлар(минг бора уэр, менинг ўзим ҳам шу тоифага мансубман)ни кўпроқ интернет ёки бошқа турдаги техник янгиликлар ўзига оҳанрабодек тортаётир. Соатлаб вақтининг интернет-кафеларда ўтказаяётган йилгит-қизларнинг бир қур кузатинг: қани уларнинг қай бири ўзининг интеллектуал савиясини бойитиладиган нарсаларга қизиқар экан? Аксинча, диди ва қарашини псайтирадиган кунгилочар ўйин ёки «севги-муҳаббат» мавзусига оид енгил-елли сайтларга кириш билан машғул эканлиги гувоҳ бўласиз. Агар ҳақсала қилиб, шундай ёшларнинг бирортасидан «Шу пайтгача қандай китоб ўқигансиз?» деб сўраб кўринг-ки, жавобини эшитиб, на қулишин биласиз, на...

Кун кеча ҳазрат Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий

на маъмурларидан бирининг айтишича, ҳар кун бу даргоҳга камида 300 га яқин киши келиб кетар экан. Мени ўқувчиларнинг сони эмас, балки ёш ва ижтимоий келиб чиқиши қизиқтиришини айтганимда, сукхатдошим фарқ эллика эллик эканлигини айтди.

Барибир ўйланиб қолдим: хўш, турли соҳаларга оид китобларни сўраб, излаб юрганлар орасида ўз хоҳиш-ихтиёри билан келаётганлар кўпми ёки бўлмаса, қаттиққўл устоз-ўқитувчилар томонидан берилаётган топширик-вазифаларни бажариш мажбурияти юклатилгани учунгина қадам ранжида қилганларми, деган мулоҳаза мени қийнапти. Умуман, кейинги авлодларнинг китобга бўлган муносабати масаласи жиддий муаммога айланиб бораётгани аини вақтда бутун дунё

● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ ● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ ● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

**Ажрашишни нотариус тасдиқлайди**

Руминияда янги қонун кучга кирди. Энди боласиз оилалар ажрашмоқчи бўлса, судга мурожаат қилиб ўтирмай, тўғридан-тўғри нотариал идорага бориб кўя қолади.

Янги қонун бюрократияга барҳам бериш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, фарзанди йўқ ёки болалари 18 ёшдан ошган эрхотинлар ажримини нотариус расмийлаштиришнинг кўзда тутилади. Фуқароларнинг фикри ўзгариб қолиши мумкинлиги инобатга олиниб, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун ўттиз кунлик муддат белгиланган. Қонунга кўра, агар эр-хотин орасида келишмовчилик бўлса ёки фарзанди борлиги аниқланса, ишни илгариги тартибга биноан судлар кўриб чиқади.

**Собиқ диктаторнинг қайтиши**

Францияда 25 йил сургунда яшаган собиқ диктатор Жан-Клод Дювалье Гаитига қайтди. Бу ҳақда "Agence France-Presse" хабар тарқатган.



59 яшар сиёсатчи рафиқаси ҳамроҳлигида "Air France" авиакомпанияси рејиси билан мамлакатга учиб келган. Собиқ биринчи ўз ҳокимияти даврида ишлаган бир неча вазирлар ва унинг тарафдори бўлган оддий фуқаролар билан учрашган. Дювалье журналистларга берган интервьюсида ёрдам бериш мақсади

да» келганини айтган.

Гаитида 16 январь куни бўлиб ўтиши режалаштирилган иккинчи тур президентлик сайловлари бекор қилинганди. Бунга сайловнинг биринчи тури бўйича якуний ҳулосаларга келинмагани сабаб бўлган. 21 фойс овоз олиб, учинчи ўринда турган номзод, хонанда Мишель Мартелли дастлабки ҳисоб-китоблардан норози бўлган. Унинг минглаб тарафдорлари намойишга чиқиб, ҳукуматни овозларни сохталаштиришда айблаган.

Жан-Клод Дювалье 1971 йили Гаити раҳбарлигини отасидан мерос қилиб олиб, 1986 йилга ҳокимият бошида бўлган. Ўшанда юз берган оммавий тартибсизликлар оқибатида ўнлаб кишилар ҳалок бўлганди. Собиқ диктатор "Agence France-Presse"га илгарироқ берган интервьюсида она юртига отланишдан мақсад президентликка номзодини қўйиш эмаслигини таъкидлаган.

**Эркаклар учун энг яхши шаҳар**

Американинг "Men's Health" ва "Women's Health" журналлари аёллар ва эркаклар учун АҚШдаги энг ёқимли шаҳарлар рейтингини эълон қилди.

"USA Today"да ёзилшича, эркаклар маъза қилиб яшайдиган энг яхши жой Висконсин штатидаги Мэдисон шаҳри, аёллар учун эса Техас штатидаги Плано шаҳри экан.

Соғлиқни сақлаш тизими ривожланган, спорт билан шуғулланиш учун шарт-шароитлар муҳайё, ўлим даражаси жуда паст, узоқ умр кўриладиган, кашандалар кам учрайдиган шаҳарлар рейтинг аввалидан жой олди. Энг ёмон шаҳарлар эса Сент-Луис (эркаклар учун) ва Филадельфия (аёллар учун) деб топилди.

**Хабар инкор этилди**

Жанубий Корея оммавий ахборот воситалари Хитой Шимолий Кореянинг Расон шаҳрига аскарларини юбориши

ҳақида тарқатган хабарларни расмий Пекин инкор этди.

Хитой ташқи ишлар вазирлиги масъули Гонг Лей мавзуга доир баёнотида бундай хабарлар тамоман асоссиз эканини таъкидлаган. Жанубий Кореянинг "Chosun ilbo" газетаси шахсини маълум қилишни истамаган амалдорнинг гапига таяниб, Хитой Шимолий Кореядаги фуқароларини ҳимоя қилиш мақсадида Расон шаҳрига аскар юбориш борасида музокаралар олиб бораётгани ҳақида ёзганди.

**Мамонтларни тирилтирмоқчи**

Акира Иритана бошчилигидаги Япония-Америка-Россия олимлари гуруҳи мамонтни клонлаштиришмоқчи, дея хабар тарқатди AFP.

Бунинг учун керакли хужайра ядроси Ёкутиядан топишган мамонтдан олинди ва фил туҳум хужайрасига сингдириб юборилди. Эмбрионни эса то етулгунча урғочи фил кўтариб юради. Олимларнинг ҳисоб-китобига қараганда, лойиҳа беш-олти йилда ўз ниҳоясига етиб қолади.

Тадқиқотчилар ишлари амал



га ошган тақдирда клон мамонтни оммага кўрсатиш - кўрсатмаслик борасида бир қарорга келмаган. Киото университети олими Иритана умид қиладики, бу тадқиқот мамонтларнинг қирилиб кетиши сабабларини аниқлашда ёрдам беради.

Интернет манбалари асосида Фаррух ЖАББОРОВ тайёрлади.

● АЖИБ ОЛАМ ● АЖИБ ОЛАМ

**БОЛАНГИЗ БОЙ БЎЛСИН!..**

Мутахассислар узоқ йиллар давомида дунёнинг турли мамлакатларида 15 мингга яқин инсон ҳаётини ўрганиб чиқди. Бу одамларнинг ёшлари 35 дан 60 гача бўлиб, ҳар бири ўзига тўқ, жамиятда катта обрўга эга эди. Тадқиқотлардан сўнг мутахассис олимлар бу қадар ақлли, омадли ва бой бўлишнинг гариби она сутидир, деган ҳулосага келишди.



Маълум бўлишича, ўрганилган бадавлат одамларнинг барчаси болалигида фақат она сuti билан озиқланган экан. Она сuti инсоннинг жисмонан соғлом улғайиши баробарида унинг мия фаолияти қокори бўлишини таъминлар ва қайсидир маънода келажакдаги омаднинг ҳам руҳий манбаи бўлиши мумкин экан. Ахир, ўйлаб кўринг, қайси она ўз фарзандига бахтли келажак тиламайди?.. Ана шу ният унинг сutiда ҳам ифода топади.

Изланишлардан сўнг тадқиқотчилар чақалоқлигида она сutiга тўйганлар сунъий озуқа билан катта бўлганларга нисбатан 51 фоиз кўпроқ ақлли ва омадли бўлади, деган тўхтамга келишган.

**ЭНГ ДАРОЗ ИТ**

Дунёдаги энг катта ва дароз ит Американинг Калифорния штатида яшайди. Гибсон лақабли бу ит - асли Сакраменто дарёси бўйидаги Сакраменто шаҳрида туғилган. Ит эгаси 2007



йилда, унинг уч ёшлигида орқа оёқларида тик турганда бўйини ўллаганида нақ 213 сантиметр келган эди. Бу итнинг бўйи ўрта бўйли баскетболчилардан ҳам баландроқ демакдир. Гибсоннинг ана шу

ҳолатида оёқларига пойабзал ҳам кийдириш мумкин эди. Шундай қилинганда унинг оёқ ўлчами 41-инчи ўлчамлиги маълум бўлган. Гибсонни кўрганлар уни Баскервиллар ити деб аташмоқда.

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.

«Ҳеч бир банда тирноққа зор бўлмасин экан. Ахир менинг ҳам гулдай оилам шу сабабли тўзиб кетди. Акбар билан институтда ўқиб юрган кезларимиз бир-биримизга кўнгил қўйдик. Охири курсда тўйимиз бўлди. Бизни дўстларимиз ҳазиллашиб, Тоҳир-Зухра дейишарди. Фарзандимиз бўлавермагач, узоқ вақт даволандик. Текширув натижаларига кўра, менга она бўлмоқ бахти насиб этмаган экан. Бунга эса Акбарнинг ишонгиси келмасди, гўёки мўъжиза рўй берадигандек умидвор эди у. Йўқ, минг афсуски, бундай бўлмади. Сақиз йил деганда қонуний ажрашишга мажбур бўлдик. Ҳозир Акбарнинг уч нафар фарзанди бор. Йиллар оқар сув деганлари рост экан.

Ота-онам қазо қилгач, тақдиримга тан бериб, укам билан яшай бошладим. Келиним, жияларим атрофимда парвона, кўнглимга қарашади. Яқинда тўнғич жиянимни уйлантирдик. Келинни мен толувдим. Ўзим билан бирга ишлайдиган дугонаминг қизи эди. Ота-онаси жуда баъъмани инсонлар, қизлари ҳам шуларнинг тарбиясини олган-ку, дедим. Лекин адашган эканман. У бутунлай тескари феълли, иззаат-ҳурматни билмайдиган, бетгачопар экан. Охири жияним билан ажрашиб кетишди. Яхшилик қиламан деб

✉ Бахтли бўлинг! ✉ Бахтли бўлинг! ✉ Бахтли бўлинг! **Бахтли бўлинг!**

надоматга қолдим. Ноилож, қайта турмуш қуришга қарор қилдим. **Ёшим 55 да.** Маълумотим олий, тошкентлик, қадрига етадиган, хотини вафот этган эркак учраса, турмушга чиқмоқчиман.

**КАРОМАТ, Тошкент шаҳри**

"Илк муҳаббатимни, севганимни ота-онаси менга муносиб кўрмади. Қизининг йиғлаб-сиқтаганига қарамай, отаси уни ўзи билан бирга ишлайдиган корхона бошлигининг ўлиги унаштирди. Тўй куни кечаси билан мижжа қоқмай, бир ахволда тонг оттирдим. Буни сезган онам келинликка қиз танлаш ҳаракатига тушиб кетди. Узоқ қариндошимизнинг қизи Замира менга ҳам маъқул бўлди. Хуллас, бахтининг эрта-кечи бўлмайди, деганларидек, Замирага уйланиб хато қилмаган эканман. У жуда шушмуомала, меҳрибон, рўзгор тутишда ҳам уддабурин аёл эди. Онам ҳар икки ҳурпнинг берида келиним маҳалланинг олди, таниган-билганининг ҳаваси келадди деб мақтаниб юрарди. Кет-

ма-кет икки қиз, икки ўғилли бўлдик. Фарзандларимизни оқ ювиб, оқ тараб, вояга етказиб, эндигина уларни уйли-жойли қилганда Замира бедаво дардга чалиниб қолди. Кўрсатмаган дўхтиру табибларимиз қолмади. Афсуски, тузалмади.

Ҳаёт деганларини ўз йўлида давом этаверар экан. Мана шунга ҳам уч йил бўлди. Болаларим атрофимда парвона, иссиқ-совуғимдан хабар олишарди. Лекин барибир аёлнинг ўрни бўлакча экан, иссиқ-совуқ, соғбемор деганларидай. Энди ёлғизликдан қийналяпман. **Ёшим 61 да,** нуфузли ташкилотда хизмат қилиб нафақага чиққанман. 55 ёшгача бўлган, тошкентлик, очик кўнгли, уйим-жойим дейдиган, бефарзанд ёки фарзандлари ташвишидан қутилган аёл учраса, уйланиш ниятим бор.

**РАСУЛЖОН ака, Тошкент**

"Шухрат билан институтга хужжат топшираётганда танишгандик. Омадимиз чопиб, икковимиз ҳам талаба бўлдик. Мен

ролмай қолдим. Бу эса у кишига жуда қўл келди. Шу орада она-бола касалхонага тушиб қолдик. Ҳатто онасининг гапига кириб, ишонган эрим ҳам биздан хабар олмади. Касалхонадан чиққан, тўғри шаҳарга — ота уйимга кўзимда ёш билан қайтиб келдим. Кейин ажрашдик. Эшитишимча, Шухрат ўша аммасининг ёлғиз қизига уйланибди. Икки йилдан сўнг ишга тушдим. Ишхонамдаги бир опяхоннинг маслаҳати билан тахририятга бордим. Менга икки фарзандли, хотини вафот этган инсоннинг телефон рақамини беришди. Танишдик. У кишининг самимийлиги, дунёқарши менга жуда маъқул тушди. Ниҳоят, икки томоннинг рози-ризоллиги билан турмуш қурдик. Ҳозир тинч-тотув ҳаёт кечиряпмиз. Энди каттақон баб очилининг бекасиман.

**СЕВАРА, Тошкент шаҳри**

**ТАХРИРИЯТДАН:**

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46**

Таълим-тарбия ҳақида сўз борганда, деярли доим Абдулла Авлонийнинг бир ҳикмати ёдга олинади: «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат масаласидир». Бу ўғити билан маърифатпарвар бобомиз тарбияга жуда аниқ ва лўнда таъриф берган ва бу, шунингдек, жуда қалтис масала эканига-да ишора қилган. Ҳа, ёшлар тарбиясидаги салгина оғиш ҳам катта йўқотишларга олиб келиши мумкин. Бу борада мувозаанатни сақлаш эса тарозининг икки палласи орасидаги тенгликни ушлаб туришдан минг чандон мушкулроқдир.

## Минг йиллик эски гап: ёшлар айниб кетаяпти...

Биз катталар учун ёшлардан ёзгириш одатий ҳолга айланиб қолган: «Ҳозирги болалар ундай, бугуннинг қизлари бундай...» қабилидаги гапларни хуш кўраемиз. Тарихчиларнинг айтишича, ёзув пайдо бўлиб, одамлар нима-ларнидир қоралай бошлагач, дастлабки битиклардан бири ҳам мана шу мавзуга, яъни «кундан-кунга айниб кетган ёшлар» масаласига бағишланган экан.

Шу ҳақда ўқидим-у, ўйланиб қолдим: чиндан ҳам авлодлар ўртасидаги «зиддият» табиий ҳолмикан? Ахир, эсингиздандир, ёшлигимизда кексаларимиз биздан ҳам нолиб қолишарди, бугун эса уларнинг одатини ўзимиз касб қилиб олганмиз.

Севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг:

У ҳали номингни кўксига жойлаб,  
Ҳамолар кўйида ургусидир барқ.  
Уни қадангга ташлама бойлаб,  
Кўйвор набираниг отажоним Шарқ!  
деган сатрларини эслайлик. Дарҳақиқат, биз фарзандларимизни доимо кўз ўнгимизда бўлсин деб вояга етказаятганимизда йўқ-ку! Чуқурроқ фикр юритилса, тараққиётни таъмин этувчи омил ҳам ёшларнинг биз катталардан бошқачароқ фикрлаши, ўзгачароқ яшашга интилиши эмасмикан? Тўғри, бир жиҳатдан, буни қайсидир қадриятларни унутуш сифатида баҳолаш мумкин, аммо эскисини бузмасдан янгисини қуриб бўлмаслиги ҳаммамизга аён-ку!



Юртбошимиз Самарқанд вилоятига қилган ташрифлари чоғида «Ҳозирги айрим ўқувчилар ўқитувчилардан ҳам билимлироқ, кучлироқ» деган бир ҳақиқатни айтди. Чиндан, бугунги ёшлар таълим-тарбияси билан шуғулланиш кечаги кундагидек оддийгина сабоқ беришдан иборат эмас, балки тинимсиз сабоқ олишни ҳам тақозо этади. Турли ахборий, психологик хуржлар гирдобиде қолган болани кутқариш учун ўқитувчи, таъбир жоиз бўлса, ўша гирдобга ўзини ташлай билиши ва ўку-

### МУЛОҲАЗА

чиси билан омон чиқа олиши ҳам керак. Демак, замонавий педагог бўлиш учун талабаликда олинган маълумот туғул, кечагина эгалланган билим ва ма-

ҳорат ҳам анча эскилик қилади. Айнан бугун, айна шу соатда ўз устиде ишламаётган ўқитувчи эса бехиётиёр «мутаассиб» кишига айланиб қолиши табиий. У ўзи билмайдиган ҳар қандай нарсани тан олмаслик билан чекланиб қолмай, ҳатто қоралайди ҳам, ёшларни тараққиётнинг нурли йўллари-дан чалғитишга уринад ҳам.

...Мавзун таълим-тарбияда мувозаанатни ушлаш мушкуллиги, бу ўта қалтис масала эканидан бошлагандик. Мақсад-муддаомизни унутиб қўйганимизча йўқ. Ҳа, ёшларга ишониб, уларни ўз холига қўйишда ҳам нозик чегарани илғай олиш ва шунга риоя эта билиш зарур. Ифодали қилиб айтганда, ҳамма гап асов дарёлар олдини тўсишга уриши эмас, шунчаки уни тўғри ўзанга буриб юборишдандир.

**Бахтинисо ХОЛМЎМИНОВА,**  
Сурхондарё вилояти  
Шўрчи туманидаги 13-ихтисос-  
лашган мактаб-интернати  
директори.

### СПОРТ

#### Рақибимиз — Иордания

Ўзбекистон терма жамоаси чорак финал йўлланмасини ҳал қилиб улгурганидан кейин, барчамиз чорак финалда рақибимиз ким бўлиши ҳақида турли тахминларни билдира бошлагандик. «В» гуруҳида саудияликлар қурашдан чиқиб кетган бўлса, қолган 3 та жамоа чорак финалга йўл олиш учун яхши имкониятга эга бўлиб туришганди.

Япония ҳам, Иордания ҳам галаба қозонди. Лекин Япония Осиёнинг уч карра чемпиони — Саудия Арабистони устидан 5:0 ҳисобида галаба қозонишини ҳеч ким кутмаганди. Саудияликлар биринчи турда мағлубиятга учрагани тўғрисида мураббий истеъфога чиқарилган бўлса, иккинчи мағлубиятдан кейин Саудия футбол федерациясининг президенти ҳам ўз лавозимидан кетди. Учинчи шармандали мағлубиятдан кейин эса...

Абрамон Япония билан чорак финалда учрашини истаганди. Аммо бизга Иордания рақиблик қиладиган бўлди. Бу жамоа бизга бегона эмас. Иордания билан Дубайда 2 январь кунини ўртоқлик учрашувини ўтказиб, 2:2 ҳисобида дуранг ўйнагандик.

#### Эрматов иккинчи ўринда!

ФИФА рейтингини бўйича ҳакамлар ўртасида иккинчи ўринни ЖАР-2010 нинг қаҳрамонлари дан бири ўзбекистонлик Равшан Эрматов забт этди. Ҳақиқатимиз умумий рейтингда 128 очко тўплашга муваффақ бўлди.



#### «КАМАЗ» ўн карра чемпион!

Буэнос-Айресда нихосяга етган юк автомобиллари пойгаида Россиянинг «КАМАЗ» русумдаги автомобили мусобақа тарихидаги ўнинчи галабасини нишонлади.



Қизил томони шундаки, 20 йилдан бери «КАМАЗ»-чилар голибликни ҳеч кимга бермай келишмоқда.

Владимир Чагин жамоаси биринчи, Фирдаус Кабиров иккинчи, Николаев учинчи, Ильгизар Мардеев бошчилигидаги экипаж эса тўртинчи погонани забт этди. Шунини алоҳида таъкидлаш кераки, Владимир Чагин бу мусобақада еттинчи марта биринчилиكنи кўлга киритиб, рекорд натижани қайд этди.

Интернет манбалари асосида  
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

#### Пенсия ёши ўзгардимиз?

«Пенсия ёшига етиб қолдим. Айтинг-чи, нафақа олишим учун қандай ҳужжатларни тўплашим керак?»

Жумабой Сотволдиев,  
Бекобод шаҳри»

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 242-сонли қарорининг 13-илловаси 2-бандига асосан ёшга доир пенсия тайинлаш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилиниши керак:

- Меҳнат стажини тасдиқлайдиган ҳужжат;
- Иш ҳақи тўғрисида маълумот;
- Бола туғилганлиги тўғрисидаги ҳужжат (аёллар учун);
- Аризачининг фарзанди болаликдан ногирон ёки ногирон бола эканлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- Аризачи уруш иштирокчиси эканлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- Яшаш жойидан маълумотнома тақдим қилиш лозим.

«Телевидение ва турли оммавий нашрлар орқали кўпгина мамлакатларда пенсия ёшига ўзгартиришлар киритилаётганининг гувоҳи бўлаяп-

#### САВОЛ-ЖАВОБ

миз. Айтинг-чи, Ўзбекистонда нафақага чиқиш учун эркаклар ва аёллар ёши қанча деб белгиланган? Эргаш Бахромов,  
Тошкент вилояти»

Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунининг 7-моддасига асосан ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эркаклар 60 ёшга ва аёллар 55 ёшга тўлганда эга бўладилар.

«Олий ўқув юртида ўқиган давр, шунингдек, ҳомиладорлик таътилида бўлган вақт нафақага чиқишда ҳисобга олинадими, йўқми? Гулирайно Салимова,  
Урганч шаҳри»

Фуқарога пенсия тайинлашда унинг ҳомиладорлик таътилида бўлган вақти ҳисобга олинмасдан, фақат кундузги ўқиш даври стаж сифатида ҳисобга олинади.

Саволларга Республика Аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий маркази директор ўринбосари Ҳайдарбек ТОШМУРОДОВ жавоб берди.

#### 2011 йил учун «Оила ва жамият» газетасининг ЭЛЕКТРОН НУСХАСИГА ҳам обуна бўлинг!



«Оила ва жамият»га тезкор усулда обуна бўлишни истасангиз, «Mahagon anime studio» масъулияти чекланган жамиятининг 311-56-33, 281-54-77 телефонларига (e-mail: info@mahagon.uz, www.citybook.uz, www.soho.uz) мурожаат қилинг!



Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Мухбирлар: 233-04-50

Котибият: 237-21-82

«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент — 700000

Амир Темури кўчаси,

1-тор кўча, 2-уй

Мўлжал: Олой

бозори ёнида

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 132. Формати А—3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 10833. Навбатчи муҳаррир — Дилфуза КЎЗИЕВА. Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ. Мусахҳихлар — Саидгана САЙДАЛИМОВ, Мафтуна МИНГБОЕВА

ISSN 2010-7609

1 2 3 5

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 16:00

E-mail: oilavajamiyat@sakor.uz